

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 30/2025.27.12.К/Т.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МУХАМЕДОВ ЖАМОЛИДДИН КАБИЛДЖАНОВИЧ

**МАХАЛЛИЙ ФЛОКУЛЯНТЛАР ЁРДАМИДА ТЕРИНИ ҚАЙТА
ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИДА ҲОСИЛ БЎЛГАН ХРОМЛИ ОҚАВА
СУВЛАРНИ ТОЗАЛАШ ЖАРАЁНИНИ ЎРГАНИШ**

**11.00.05-Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона
фойдаланиш.**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Мухамедов Жамолиддин Кабилджанович

Махаллий флокулянтлар ёрдамида терини қайта ишлаш корхоналарида
ҳосил бўлган хромли оқава сувларни тозалаш жараёнини
ўрганиш..... 3

Мухамедов Жамолиддин Кабилджанович

Изучение процесса очистки хромосодержащих сточных вод,
образующихся на кожевенных предприятиях, с помощью местных
флокулянтов..... 21

Mukhamedov Jamoliddin Kabildjanovich

Study on the treatment process of chromium-containing wastewater
generated by tanneries using local flocculants..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 44

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 30/2025.27.12.К/Т.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МУХАМЕДОВ ЖАМОЛИДДИН КАБИЛДЖАНОВИЧ

**МАХАЛЛИЙ ФЛОКУЛЯНТЛАР ЁРДАМИДА ТЕРИНИ ҚАЙТА
ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИДА ҲОСИЛ БЎЛГАН ХРОМЛИ ОҚАВА
СУВЛАРНИ ТОЗАЛАШ ЖАРАЁНИНИ ЎРГАНИШ**

**11.00.05-Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона
фойдаланиш.**

**КИМЁ ФНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2026

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2025.3.PhD/К1058 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифада (www.tkti.uz) ва «ZiyoNET» ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Турабджанов Садриддин Махаматдинович
техника фанлари доктори, профессор, академик

Расмий ошпонентлар:

Кучаров Баҳром Хайриевич
техника фанлари доктори, профессор

Кулматов Рашид Анорович
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат техника университети.


Диссертация химояси Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 30/2025.27.12.К/Т.01.01 рақамли Илмий кенгашининг 2026 йил «21» май соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 111116, Тошкент тумани, Ибрат МФЙ, Шўробозор. Тел: (+99895) 144-67-83, E-mail: ooo.thiixt@mail.ru, TKTITI@exat.uz)


Диссертация билан Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ 2026/24 рақами билан рўйхатга олинган. Манзил: 111116, Тошкент тумани, Ибрат МФЙ, Шўробозор. Тел: (+99895) 144-67-83, E-mail: ooo.thiixt@mail.ru, TKTITI@exat.uz)


Диссертация автореферати 2026 йил «05» 04 кунни тарқатилди.

(2026 йил «05» 04 даги № 2026/24 рақамли реестр баённомаси)




Джалилов А.Т.
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
к.ф.д., проф, академик


Ширинов Ш.Д.
Илмий даражалар берувчи,
илмий кенгаш қотиби,
т.ф.ф.д., к.и.х.


Бекназаров Х.С.
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., проф

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси).

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнгги йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида барча аҳоли қатламининг саломатлигини асраш тобора муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Саноат ва техноферанинг ривожига бўлган талабнинг ортиши билан турли ишлаб чиқариш корхоналарида ҳосил бўлган оқова сувлар, зарарли газ ва чанглар ҳамда турли хилдаги чиқиндилар сифатида атроф-муҳитни ифлосланиши, атмосфера, гидросфера ва литосферанинг канцероген металл ионлари ҳамда бошқа турдаги кимёвий бирикмаларнинг рухсат этилган чегаравий микдоридан ортиб кетишига сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга, атроф муҳитни талаб даражасида тозаланиши асраш, ишлаб чиқариш корхоналарида ҳосил бўлган саноат оқова сувларини тозалаш жараёнларини самарали такомиллаштириш ва сувнинг ёпиқ занжирли тизимларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда таркибида оғир металл ионлари бўлган сагат оқова сувларни чегаравий микдор даражасида тозалаш имконини берувчи усуллари ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада рухсат этилган чегаравий микдордан кам бўлган даражагача тозалаш имконини берувчи механик, кимёвий, физик-кимёвий ва биокимёвий усуллардан фойдаланишга, ҳамда тозалаш жараёнида ҳосил бўладиган чиқиндиларни зарарсизлантиришни жадаллаштириш технологияларини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Республикамизда нафақат тозалаш даражаси юқори, балки экологик ва арзон маҳаллий хомашёлар асосида ишлаб чиқилган технологик жараёнларни такомиллаштириш, содаллаштириш бўйича муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йиллардаги тараққиёт стратегиясида “Иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” белгиланган ҳамда “Маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида, юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, сифат жиҳатидан янги маҳсулот ва технологияларини яратиш”¹ бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу йўналишда ишлаб чиқариш корхоналарида ҳосил бўлган саноат оқова сувларини тозалашда янги юқори самарали, энергия ва капитал сарф ҳаражатларни камайтириш имконини берувчи кам босқичли, узлуксиз, маҳаллий реагентлардан фойдаланиладиган жараёнларни жорий қилиш билан янги самарали технологик жараёнларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги, 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача атроф-муҳитни муҳофаза қилиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида» фармони

концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонларида, 2022 йил 2 декабрдаги ПҚ-436-сон “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг яшил иқтисодиётга ўтишга қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон “Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479-сон “Мамлакат иқтисодиёти тармоқларини талаб қилинадиган маҳсулотлар ва хомашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида, шунингдек мазкур фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазку тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Атроф муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш» устивор йўналишларига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда сувда эрувчан полиэлектролит-флокулянтлар ёрдамида саноат оқова сувларини тозалаш жараёнларини такомиллаштириш, бўйича кўплаб хорижий олимлар, жумладан, М.Канско, Ёе.Тсүхида, Р.А. Ребиндер, Ю.Г. Фролов, Е.Е. Ергожин, Ю.С. Липатов, А.И. Русанов, А.А. Абрамзон, И.М. Паписов, А.Б. Зезин, Е.А. Бектуров, К.Б. Мусабеков, С.Б. Айдарова, В.Н. Измайлова, Л.В. Гандурина, В.А. Колесников, М. Хенце, Т.И. Холтурина, Б.П. Кондауров, В.И.Аксенов, ва бошқа етук олимларнинг илмий мактабларида фаол изланишлар олиб борилган ва олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда саноат оқова сувларини тозалаш жараёнларини такомиллаштириш академик К.С.Ахмедов раҳбарлигидаги илмий мактаб ташкил этилган бўлиб унинг вакиллари: Э.А. Арипов, Ф.Л. Глекель, С.С. Ҳамроев, С.Н. Аминов, А.А. Агзамходжаев, С.М. Туробжонов, И.Қ. Сатаев, Х.И. Акбаров, У.К. Аҳмедов, С.А. Абдурахимов, Х.А. Абдурахимов, М.М. Ниязова, Ш.А. Муталов, И.Д. Ишметов, Д.С. Салиханова, Ш.А. Кулдашева А.А. Қодиров, К.М. Адилова, Қ.Ғ. Мухамедов ва бошқа олимлар томонидан саноат оқова сувларни тозалаш чиқиндиларни зарарсизлантириш самарали ва кам чиқиндили технологияларини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент кимё-технология институти «Саноат экологияси» кафедрасининг 2020-2024 йилларига мўлжалланган «Саноат оқова сувларини физик-кимёвий усули билан тозалаш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишларининг режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади терини қайта ишлаш корхоналарида ҳосил бўладиган хромли оқова сувларни маҳаллий флокулянтлар ёрдамида тозалаш жарёнини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: терини қайта ишлаш корхоналарида ҳосил бўлган таркибида хром III ионлари мавжуд бўлган оқава сувларни тозалаш жараёнининг мақбул шароитларини ўрганиш;

таркибида хром III ионлари бўлган оқава сувларни тозалашнинг технологик жараёнларини ўрганиш;

терини қайта ишлаш корхоналарида ёпиқ занжирли сув таъминоти тизимларини аниқлаш;

таркибида хром III ионлари бўлган оқава сувларни Fe_2SO_4 иштирокида зарарсизлантириш ва тажриба маълумотларни математик усули билан ҳисоблаш;

таркибида хром III ионлари бўлган оқава сувларни маҳаллий «Унифлок» полиэлектрولит-флокулянти ёрдамида тозалаш технологиясини ўрганиш ва такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида терини қайта ишлаш корхоналарида ҳосил бўлган таркибида хром III ионлари бўлган оқава сувлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети Fe_2SO_4 ва CaO нинг сувли эритмалари ҳамда маҳаллий «Унифлок» полиэлектрولит-флокулянти ёрдамида тозаланган оқава сувларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари, чиқиндиларнинг таркибий тузилишининг дифрактограммаси, оқава сувларини тозалаш жараёнини такомиллаштириш жихатлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида, ИҚ-спектроскопия, фотометрик, физик ва коллоид-кимёвий, рентген фазали ҳамда полиноминал регрессиянинг амалий дастурлари тўпламларидан фойдаланган ҳолда математик статистика усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

терини қайта ишлаш корхоналарининг таркибида Cr^{3+} ионлари бўлган оқава сувларини Fe_2SO_4 ва CaO ни сувли эритмаси ёрдамида зарарсизлантиришнинг мақбул шароитлари аниқланган;

тозалаш самарадорлигига чўктириш, тиндириш ва филтрлаш тезлиги, оқава сувнинг рН-муҳити ҳамда Cr^{3+} ионлари концентрациясининг таъсири аниқланган;

«Унифлок» серияли флокулянт ҳамда Fe_2SO_4 ва CaO сувли эритмаси ёрдамида терини қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўлган оқава сувларини Cr^{3+} ионлари ва муаллақ заррачалардан самарали тозалаб сувнинг ёпиқ занжирли тизими такомиллаштирилган;

маҳаллий «Унифлок» серияли полиэлектрولити терини қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўлган оқава сувлари таркибидаги муаллақ заррачаларининг чўктириш жараёнини 8-10 баробарга тезлаштирилиши асосланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйдагилар иборат:

терини қайта ишлаш корхоналарида ҳосил бўлган оқава сувларни тозалаш жараёнида маҳаллий «Унифлок» серияли полиэлектрولит-флокулянтдан фойдаланишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

махаллий реагентлар ҳамда жиҳозларни қўллаган ҳолда Cr^{3+} ионлари ва бошқа кимёвий бирикмалар бўлган оқава сувларни тозалаш жараёни такомиллаштирилган;

таркибида Cr^{3+} ионлари бўлган оқава сувларни реагент усули билан тозалаш ва сувнинг ёпиқ занжирли тизимини ҳосил қилишнинг самарали жараёни ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. ИҚ-спектроскопияси, фотометрия, ретгенструктура, спектрофотометрия усуллари билан фойдаланилган, таҳлил натижалари лаборатория тажрибалари ва тажриба-саноат синовлари ўтказилганлиги, олинган натижалар оқава сувларни тозалаш жараёнининг математик модели усули билан тасдиқланганлиги, атроф-муҳит объектларининг классик методлари билан таққосланганлиги билан асосланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти терини қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўлган оқава сувларидаги муаллақ заррачаларни чўктириш жараёнларига маҳаллий «Унифлок» полиэлектролит-флокулянтини қўлланилиши флокуляция эффекти ҳисобига йирик агрегатлар ҳосил бўлиши билан чўкиш жараёнларининг жадаллашуви билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, Республика кимё саноатининг маҳаллий маҳсулотлари асосида таркибида Cr^{3+} ионлари бўлган терини қайта ишлаш саноати оқава сувларни реагент усули билан самарали тозалаш ҳамда сувнинг ёпиқ тизимини ташкил қилиш муаммоларини ечишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларини амалга жорий қилинганлиги. Терини қайта ишлаш корхоналарида ҳосил бўлган оқава сувларни маҳаллий «Унифлок» серияли полиэлектролит-флокулянти ёрдамида тозалаш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

терини қайта ишлаш корхоналарида ҳосил бўлган оқава сувларини Cr^{3+} ионларидан тозалаш технологияси «GLOBAL AVANGARD TECHNOLOGY» ОАЖда ишлаб чиқаришга жорий қилинган (Ўзбекистон республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг 2025 йил 17-декабрдаги 03-03/1-03/3-13721-сон маълумотномаси). Натижада оқава сувлар таркибидаги Cr^{3+} ионлари ва муаллақ заррачалар миқдорини камайтириш, тозалаш жараёни самарадорлигини ошириш имконини берган.

махаллий «Унифлок» ва «Полиакриламид» серияли флякулянтлардан фойдаланиб оқава сувларини тозалаш технологияси «ULKAN LAZIZ» ОАЖда ишлаб чиқаришга жорий қилинган (Ўзбекистон республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг 2025 йил 17-декабрдаги 03-03/1-03/3-13721-сон маълумотномаси). Натижада оқава сувларни тозалаш ва тозаланган сувдан айланма техник сув сифатида қайта ишлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, жумладан 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўрта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 128 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги, зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашир этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Терини қайта ишлаш корхоналарида ҳосил бўлган хром таркибли оқава сувларни тозалаш усуллари**» деб номланган биринчи бобида терини қайта ишлаш корхоналарининг атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган хавфли манбаларининг бугунги ҳолати, асосий хавфи турли хил сув омборларига таъсири бўйича мавжуд маълумотларнинг таҳлили келтирилган.


Таҳлил қилинган адабиётларда терини қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўлган оқава сувларни самарали тозалаш ва сувнинг ёпиқ занжирли тизимини таъминлаш бўйича турли усуллар мавжуд бўлсада улар ўз навбатида кам ўрганилган.

Диссертациянинг «**Фойдаланиладиган маҳаллий кимёвий реагентлар ва иккиламчи маҳсулотларнинг тадқиқот объектлари ва таснифлари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари ҳамда бошланғич хом ашё ва ярим маҳсулотларнинг физик-кимёвий ва кимёвий хусусиятлари келтирилган: терини қайта ишлаш корхоналарида ҳосил бўлган Cr^{3+} таркибли оқава сув муҳитнинг рН қиймати, чўктириш, тиндириш ва филтрлаш даражаси ҳамда Cr^{3+} ионларининг дастлабки концентрацияси бўйича оптимал тозалаш режимларини танлаш учун таркибида Cr^{3+} ионлари бўлган оқава сувларни шунингдек ҳосил бўлган иккиламчи чиқиндиларни зарарсизлантириш соҳасидаги илмий тадқиқот ишларнинг аналитик шарҳи тақдим қилинган. «Унифлок», «Полиакриламид», Fe_2SO_4 эритмалари ёрдамида тозаланган оқава сувларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари, ҳосил бўлган чиқиндиларнинг таркибий тузилишининг дифрактограммаси ва бошқа замонавий таҳлил усуллар ёритиб берилган.

Диссертациянинг **Терини қайта ишлаш корхоналарида ҳосил бўлган хромли оқава сувларни тозалаш** деб номланган учинчи бобида терини қайта ишлаш жараёнида таркибида Cr^{3+} ионлари бўлган оқава сувларни

самарали тозалаш ҳамда энг мақбул ва мос келадиган зарарсизлантириш усулини танлаш қуйидаги талабларга жавоб бериши талаб этилади:

- оқава сувларни тозалаш тизимининг соддалиги;
- тозалаш жараёнини автоматлаштириш имкониятининг мавжудлиги;
- тозалаш иншоотидан чиқишида сувнинг таркибидаги Cr^{3+} нинг миқдори $0,5 \text{ мг/дм}^3$ дан кам бўлишлиги;
- тозаланган сувни технологик жараёнда қайта ишлатиш имконияти мавжудлиги;
- технологик жараёнларда фойдаланиш учун хром реагентларни қайта тиклаш ёки иккиламчи маҳсулотини ишлаб чиқариш имкониятининг мавжудлигидан иборат. Мазкур илмий тадқиқот ишида терини қайта ишлаш корхоналарида ҳосил бўлган хромли оқава сувларни маҳаллий коагулянт ва флокулянтлардан фойдаланилган ҳолда самарали тозалаш технологиясини ишлаб чиқиш ва сувнинг ёпиқ занжирли тизимини ҳосил қилиш таклиф этилади. Темир таркибли коагулянтлардан фойдаланиш оқава сувларни таркибидаги муаллақ заррачаларни чўктириш жараёнини маълум даражада тезлаштиради.



Биргаликда чўкиш жараёни муҳитнинг рН даражасига, чўкиш вақтига ва комплекс ҳосил қилувчи моддалар концентрациясига боғлиқ бўлади

Адабиётларда келтирилган маълумотларига кўра, $\text{Cr}(\text{OH})_3$ ва $\text{Fe}(\text{OH})_3$ ни биргаликда сув тозалаш жараёнида қўлланилганда одатдагидан кам миқдорда чўкма олиш имконини беради, $\text{Fe}_2(\text{SO}_4)_3$ ни фақат бир ўзидан фойдаланилганда эса бу жараённинг акси намоён бўлиши кузатилган. Реагентлар стехиометрия бўйича талаб қилганидан кам миқдорда ишлатилади ва сув таркибидаги Cr^{3+} ионининг миқдори камайши максимал руҳсат этилган концентрациядан (МРЭК) ҳам кам бўлган миқдорда эришилади.


Олиб борилган тўрт гуруҳ экспериментал қисмнинг мақсади $\text{Cr}(\text{OH})_3$ ва $\text{Fe}(\text{OH})_3$ нинг биргаликда чўкиши учун муҳитнинг оптимал рН қийматини, $\text{Ca}(\text{OH})_2$ нинг зарур концентрациясини аниқлаш, таркиби тўғрисидаги маълумотни аниқлашдан иборат. Ҳосил бўлган суспензия ва унинг гравитацион чўкиши, шунингдек маҳаллий «Унифлок» флокулянти ёрдамида чўкш жараёнини тезлаштириш имкониятини ўрганишдан иборат.

Биринчи тадқиқот гуруҳи.

Тадқиқот учун $\text{Cr}_2(\text{SO}_4)_3$ ўз ичига олган терини қайта ишлаш корхоналарида ҳосил бўлган хромли оқава сувларни модели тайёрланди.

Бунда тайёрланган ишчи эритманинг таркибида хром (III) нинг концентрацияси айнан 4 г/дм^3 бўлишлиги терини қайта ишлаш корхоналарининг канализация тизимлари учун энг салбий шароитларни ҳисобга олган ҳолда танланди. Бунинг учун 1 литр сувга 19,23 грамм миқдорда 6-сувли хром сулфат қўшилди ва яхшилаб аралаштирилади.

Тайёрланган ишчи эритмаларнинг хусусиятлари 1-жадвалда келтирилган. Мазкур ишчи эритмаларининг дозалари қуйидаги реакция тенграмасига асосан стехиометрик коэффициентлар бўйича ҳисоблаб чиқилган.




1-жадвал

Тайёрланган ишчи эритмаларнинг хусусиятлари


№ т.б.	Ишчи эритмалар	pH-мухити	Концентрацияси г/дм ³
1.	$\text{Cr}_2(\text{SO}_4)_3$	2,5	4
2.	$\text{Fe}_2(\text{SO}_4)_3$	1,5	10

Тенгламадан кўришиб турибдики, 1 г хром (III) ни боғлаш учун тахминан 1,1 г темир ва 0,88 г оҳак керак бўлади. Хром (III) концентрацияси 4 г/дм³ бўлганида, унинг чўкиши эквивалент миқдорда $1,1 \cdot 4 = 4,4$ г/дм³ темир ёки 440 мл темир (III) сульфат эритмасининг концентрацияси 10 г/дм³ бўлади. Хром эритмасининг 1 дм³ учун темир (III) бўйича, Ва шунингдек, $0,89 \cdot 4 = 3,56$ г/дм³ $\text{Ca}(\text{OH})_2$, (ишлатилган CaO эритмаси = 102 мг/мл), 1 дм³ хром эритмасига $3560/102 = 35$ мл миқдорда оҳак сарфланган.

Биринчи ва иккинчи цилиндрларга 100 мл хром эритмасига 44 мл $\text{Fe}_2(\text{SO}_4)_3$ эритмаси қўшилди бунда эритмаларнинг pH муҳити 2 га тенг бўлади. Эритмаларнинг pH қиймати киритилган оҳак сути миқдоридан ўзгариши графиглари 1 ва 2 расмларда келтирилган.



1-расм. Оҳак сути миқдоридан суспензиянинг pH қийматини ўзгариши графиги (биринчи цилиндр учун)



2-расм. Оҳак сути миқдоридан эритманинг pH қийматининг ўзгариши графиги (иккинчи цилиндр учун)

Келтириладиган графикга асосан, чўкма ҳосил бўлиши жараёни pH = 5,5 да бошланади ва оҳак сутининг миқдори 3 мл ни ташкил қилади, оҳак сутининг миқдори бўйича қайта ҳисоблаганда $3 \times 102/100 = 3$ г/дм³ ни ташкил қилади. Чўкма ҳосил бўлиши ва суспензиянинг тиниқланиши янада жадаллашиш жараёни pH = 6,5 ва оҳак сути миқдори 5 мл қўшилганда содир бўлиши кузатилади, оҳак сутининг миқдори бўйича қайта ҳисоблаганда $5 \times 102/100 = 5,1$ г/дм³ ни ташкил этади.

Иккинчи тадқиқот гуруҳи.

Иккинчи гуруҳ тадқиқотини олиб бориш учун 250 мл ҳажмли цилиндрлар танланган. 4 г/дм³ концентрацияси билан симуляция қилинган хром таркибли ҳамда 10 г/л концентрацияли темир таркибли ишчи оқава

сувлар тайёрланган. Биринчи ва иккинчи цилиндрларга 100 мл хром эритмасига 44 мл 5% ли $Fe_2(SO_4)_3$ ва $4,37 \text{ г/дм}^3$ миқдорда оҳак сути қўшилди, бу эса 6 мл ни ташкил қилади. Ҳосил бўлган чўкинди ҳажмининг фоизини ҳисоблаш учун цилиндрларнинг геометрик ўлчамлари бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилди ва қуйидаги тенглама бўйича ҳисобланди:

$$V_{\text{чўк}} = \frac{\pi \cdot d^2 h}{4 \cdot V_{\text{бош}}} \cdot 100 \%$$

Бу ерда: $V_{\text{чўк}}$ - ҳосил бўлган чўкманинг бошланғич оқим ҳажмига нисбатан ҳажми, %;

d - цилиндрининг диаметри, см.

h - цилиндрдаги ҳосил бўлган чўкманинг баландлиги, см.

2 жадвал

Чўкиш кинетикасининг графигини чизиш учун чўкиш миқдори ҳақидаги маълумотлар % ҳисобида

Чўкиш вақти	Цилиндрлардаги чўкманинг миқдори, %	
	1	2
0 мин	100	100
5 мин	76	96
10 мин	63	91
15 мин	56	82
20 мин	53	77
25 мин	49	72
30 мин	49	72
35 мин	49	72
40 мин	46	67
60 мин	36	53




3-расм. Чўкиш жараёни бошланишидан 5 минут олдин.



4-расм. Чўкиш жараёнининг тугаши (t = 60 минут)

2-жадвалга асосан 5-расмда кўрсатилган чўкманинг ҳосил бўлиш графиклари тузилган бўлиб, улар 2 цилиндрдаги чўкманинг ҳосил бўлиши ва зичланиши янада жадал содир бўлишини кўрсатади. Графикдан кўришиб трубкида дастлабки беш дақиқа ичида чўкманинг асосий қисми ҳосил бўлиб

вақт ўтиши билан чўкманинг зичланиши бошланади. 4-расимга асосан иккинчи цилиндрдаги чўкманинг зичланиши биринчи цилиндрга қараганда 20% самарали эканлиги келтирилган.



5-расм. Иккинчи гуруҳ тадқиқотларининг чўкма ҳосил бўлиши ва чўкиш кинетикаси

Шундай қилиб, ушбу гуруҳ тадқиқотлари натижаларига асосланиб, таклиф қилинаётган $\text{Cr}(\text{OH})_3$ ва $\text{Fe}(\text{OH})_3$ ни биргаликда чўктириш усули терини қайта ишлаш корхоналарида ҳосил бўлган оқава сувларини Cr^{3+} дан тозалаш учун мос келади ва унинг самарадорлиги экспериментал равишда исботланган деган хулосага келиш мумкин.

Учинчи тадқиқот гуруҳи.


Ушбу тадқиқот гуруҳи оҳак сути миқдорини оптималлаштириш ва биргаликда чўкиш жараёнини ўрганишга қаратилган. Олинган маълумотлар асосида 60 дақиқа давомида муаллақ заррачаларнинг ҳосил бўлиш жараёнини тавсифловчи жадваллар тузилди ва муаллақ заррачаларни чўктириш кинетикаси ва чўкмаларни зичлашиши бўйича графиклар шакиллантирилди. 100% сифатида $4,37 \text{ г/дм}^3$ оҳак миқдори олинади, ўрганилаётган миқдорлар мос равишда 70% - 3 г/дм^3 , 90% - $3,9 \text{ г/дм}^3$, 110% - $4,8 \text{ г/дм}^3$ ва 130% - $5,7 \text{ г/дм}^3$ ташкил қилади. Тажриба учун ҳар бир цилиндрга 300 мл хром эритмаси ва 120 мл темир таркибли реагент қўшилди.

Тадқиқот жараёнида ҳосил бўлган чўкманинг ҳажми, муаллақ заррачаларнинг табиати, сувнинг юқори қатламини тиниқланиш тезлиги ва самарадорлиги, чўкманинг зичланиши қайд этилган. Муаллақ заррачаларнинг ҳосил бўлиш жараёнининг асосий кўрсаткичлари 3-жадвалда келтирилган.


3-жадвал

Муаллақ заррачаларнинг ҳосил бўлиш жараёнининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Цилиндрлардаги кўрсаткичлар				
	1	2	3	4	5
Оҳак сути миқдори, мл	18	20	23,5	16	10,5
pH- муҳити	7	7,5	8	6	5,5



6-расм. Чўкиш жараёнининг бошланиши



7-расм. Чўктириш жараёни бошлангандан кейинги 15 минут ичидаги жараён

Тадқиқотнинг тўртинчи гуруҳи.

Тўртинчи тадқиқот гуруҳи маҳаллий флокулянтлар ёрдамида чўкиш жараёнини фаоллаштириш имкониятини аниқлашга қаратилган. Терини қайта ишлаш корхоналарида ҳосил бўлган оқава сувларни тозалаш жараёнини фаоллаштириш учун, юқори молекуляр флокулянтлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Флокулянтнинг оптимал миқдори 0,0233 мг/л Cr^{3+} ни ташкил қилади.

Тажриба мақсадлари учун 4,37 г/дм³ га тенг оҳакнинг ҳисобланган миқдорини олинади, бу ўз навбатида қайта ҳисоблаганда 18 мл га тенг бўлиб, у учинчи гуруҳ тадқиқотларида яхши натижа кўрсатган ва тажриба давомида Cr ва Fe таркибини МРЭК стандартларига қадар қисқартирганлиги сабабли айнан шу миқдор танлаб олинди.

Тажрибани ўтказиш учун ҳар бири 500 мл ли цилиндрларга 300 мл миқдорида тайёрланган намунавий хром эритмаси, 120 мл темир таркибли реагент ва 18 мл 5-% ли оҳак сути қўшилди. Шунингдек иккинчи цилиндрга флокулянтнинг ҳисобланган дозаси - 0,01 мг/л миқдорида қўшилди.

4-жадвал


Ивиқлар ҳосил бўлиш жараёнининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Цилиндрлардаги кўрсаткичлар	
	1	2
Оҳак сути миқдори, мл	18	18
Флокуянт миқдори, мг/л	-	0,1
рН- муҳити	7-7,5	7-7,5

Тадқиқот жараёнида ҳосил бўлган чўкманинг ҳажми, ивиқларнинг табиати, сувнинг юқори қатламининг тиниқланиш тезлиги ва самарадорлиги, чўкманинг зичланиши қайд этилган. Ивиқлар ҳосил бўлиш жараёнининг асосий кўрсаткичлари 4-жадвалда келтирилган.

Чўкманинг ҳосил бўлиши ва сувни тиниқлаш графигига асосан, флокулянт қўшилган цилиндрда суспензия яхши тиниқлаш эффекти билан бир текисда жойлашади, лекин биринчи цилиндрга қараганда секинроқ. Бироқ, биринчи цилиндрда, чўкиш тезлигига қарамасдан, сувнинг тинган қисмида кичик ивиқ заррачалари муаллақ ҳолда қолади. Шунингдек, 8-

расмда келтирилгандек иккита цилиндрдаги чўкманинг тузилиши сезиларли даражада фарқланиши кўрсатилган.



8-расм. Ивиклар ҳосил бўлиши ва чўкиш жараёнининг бошланиши. 1-цилиндр флокулянтсиз. 2-цилиндр «Унифлок» флокулянти билан $D = 0,1$ мг/л

9-расм. Тўртинчи тадқиқот гуруҳидаги ивик парчаларини ҳосил қилиш ва чўктириш кинетикаси

1-цилиндр флокулянтсиз



2-цилиндр флокулянт билан $D = 0,1$ мг/л



1-цилиндр флокулянтсиз



2-цилиндр флокулянт билан $D = 0,1$ мг/л




10-расм. Ивиклар ҳосил бўлиши ва чўкиш жараёни бошланганидан 10 минут ўтгач.

11-расм. Ивиклар ҳосил бўлиши ва чўкиш жараёнининг тугалланиши ($t=60$ мин)

Олиб борилган илмий тадқиқот натижаларига асосан 12-расмда сувнинг юқори қисмидаги тиниқлашиш графиги тузилди. Шунингдек, тиниқлаштирилган сувда Cr^{3+} ва Fe^{3+} миқдорини аниқлаш мақсадида кимёвий таҳлил учун намуналар олинди. Олинган натижалар 6-жадвалда келтирилган.

Кимёвий таҳлил натижаларига кўра (5-жадвал), шуни хулоса қилиш мумкинки, иккала цилиндрда ҳам Cr^{3+} ва Fe^{3+} нинг МРЭК талабигача концентрацияси пасайган флокулянт билан ишлов берилган цилиндрда Cr^{3+} ва Fe^{3+} нинг қолдиқ миқдори биринчи цилиндрдагидан кам натижани кўрсатади, бу оҳак дозасини оширмасдан чўкиш жараёнини интенсификация қилиш имкониятини кўрсатади



12-расм. Сувнинг юқори қисмидаги тиниқлашиш графиги

Тажриба натижаларига асосан, $\text{Cr}_2(\text{SO}_4)_3$ майда заррачаларини чўктириш жараёнини фаоллаштириш учун «Унифлок» флокулянтдан фойдаланиш сувни тиниқлаштириш ва ҳосил бўлган чўкмани зичлашда ижобий кўрсаткичларни кўрсатади. «Унифлок» флокулянтнинг таъсири, айниқса, чўкмани сувсизлатириш аппаратларида ҳамда сувсизлантирилган чўкмани кейинги қайта ишлаш жараёнида сезиларли даражада самара беради.

5-жадвал

Тозаланган сув сифатининг кўрсаткичлари

Цилиндр рақами	Тозаланган сув сифатининг кўрсаткичлари					
	pH	MPЭЖ (pH)	Cr ³⁺ (мг/л)	MPЭЖ Cr ³⁺ (мг/л)	Fe ³⁺ (мг/л)	MPЭЖ Fe ³⁺ (мг/л)
1	7-7,5	6-9	0,46	0,5	0,3	0,3
2	7-7,5		0,42		0,28	


Диссертациянинг **Терини қайта ишлаш корхоналарида ҳосил бўлган хром таркибли оқава сувларни зарарсизлантириш технологияси такомиллаштириш** деб номланган тўртинчи бобида терини қайта ишлаб чиқариш корхоналарида ҳосил бўлган оқава сувларнинг таркибидаги хром бирикмалари юқори токсикологик хусусиятларга эга ҳисобланади, бу оқава сувларни талаб даражасида зарарсизлантиришнинг технологик жараёнларини такомиллаштириш эҳтиёжини туғдиради, бунда тозаланган сувнинг сифати ва иқтисодий самарадорлиги ёпиқ занжирли тизимда корхонада қайта фойдаланиш мумкинлиги ва тежамкор тизимларини яратиш талабларига жавоб бериши зарур ҳисобланади.

Ушбу тадқиқот томонидан таклиф этилаётган технологик жараён оқава сувларни қайта ишлатиш технологик эҳтиёжларга ва ишлаб чиқаришда турли заруратларга фойдаланиш имконини беради.


Терини қайта ишлаш корхоналарининг технологик эҳтиёжлари учун сув сарфини камайтириш ва коцероген оқава сувларни зарарсизлантириш учун маҳаллий тизимдан фойдаланган ҳолда сувнинг ёпиқ занжирли таъминотини яратиш лозим.

Сулфидлар ҳосил бўлган оқава сувга куллаш жараёнларидан тушади (1,04.16,1 г/л), уларнинг миқдори куллаш усулларига боғлиқ. Сулфидларнинг сезиларли миқдори куллашдан кейинги ювиш сувида ҳам мавжуд бўлади..

Хромли ва сулфидли оқава сувларни биргаликда чўктириш технологиясидан фойдаланган ҳолда сувсизлантириш бўйича экспериментал ишлар олиб борилди. Темирни ўз ичига олган реагентлардан фойдаланиш маҳсулотларнинг биргаликда чўкишини қуйидаги реакция орқали тезлаштиради:




Ушбу биргаликда чўктиришда мураккаб физик-кимёвий жараёнлар содир бўлади, улар муҳитнинг рН даражасига, чўкиш вақтига, таркибий моддаларнинг тури ва концентрациясига боғлиқ бўлади:



$\text{Cr}(\text{OH})_3$ ва $\text{Fe}(\text{OH})_3$ нинг биргаликда чўкиши $\text{Fe}_2(\text{SO}_4)_3$ ни коагулант сифатида одатдагидан кўра камроқ миқдорда чўкма тушиш имконини беради. Реактивлар стеохиметрия талаб қилганидан камроқ миқдорда қўлланилади ва энг муҳими, Cr^{3+} нинг таркиби МРЭК дан сезиларли даражада паст бўлади. Бу тажрибалар билан ва адабиёт маълумотлари билан тасдиқланган.

Сулфидли оқава сувларни тозалаш жараёнлари рН 9-9,5 да олиб борилади, бунинг учун тизимга темир таркибли реагентлар қўшилгандан сўнг 5% оҳак сути ишлатилинади. Темир бирикмалари янги чўкмага эга FeS нинг юзаси билан ўзаро таъсир қилади ва $\text{Fe}(\text{OH})_2$, $\text{Fe}(\text{OH})_3$ ва FeS ни ўз ичига олган мураккаб таркибли чўкма ҳосил қилади.

Кимёвий жараённи қуйидаги реакциялар билан акс эттириш мумкин:



Оқава сувларни хром ионларидан тозалашнинг самарадорлиги ~ 100% ни ташкил етди. (Cr^{3+} нинг қолдиқ миқдори 0,004 мг/л дан кам). Сулфидлардан тозалаш самарадорлиги 99,9% ни ташкил этди ($\text{S}^{2-} = 0,017$ мг/л). Керакли миқдорда реактивларни ҳисоблаш стохиометрик коэффициентларни, маҳсулот сифатини ва қиздирилганда сувда эрувчанлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди.

Таклиф этилаётган технологик схема терини қайта ишлаш корхоналарида ҳосил бўлган оқава сувларини бўёқлардан, сирт фаол моддалардан (СФМ) ва оғир металллардан тозалаш учун мўлжалланган ва 100 000 мл дан кўп бўлмаган ККТ кўрсткичлари (кимёвий кислородга талаби) билан оқава сувларни тозалаш учун ишлатилиши мумкин $\text{O}_2/\text{л}$.


Терини қайта ишлаш корхоналарида ҳосил бўлган оқава сувларни самарали тозалаш қуйидаги таклиф этилаётган технологик жараён бўйича амалга оширилади (13-расм). Хромли оқава сувлар 1-позицияда жойлашган ўрталаштириш қурилмасига юборилади. Реагентлар оқава сувга 2-позицияда жойлашган маҳсус сифимдан юборилади, улар бўёқларнинг бўлиниши ва оксидланишига, комплекслар ҳосил бўлишига, оғир металллар, бўёқлар ва сирт фаол моддаларнинг коагуляцияси ва биргаликда чўкишига ёрдам беради. Шу билан бирга, рН муҳитини керакли қийматларга

мослаштирилади. Оқава сувлар ўрталаштирилгандан сўнг, 3-позицияда жойлашган КММ-Х маркали кимёвий насос ёрдамида оқава сув 5 позицияда жойлашган горизонтал тиндиргичга юборилади. Чўктириш жараёнини тезлаштириш учун бир вақтнинг ўзида 4 позицияда жойлашган сифимдан 0,1 % «Унифлок» флокулянти етказиб берилади. 5-позицияда жойлашган тиндиргичнинг конуссимон қисмида тўпланган чўкма лой 6 позицияда жойлашган сеткали барабан фильтирига сувсизлантириш учун юборилади. Сувсизланган лой утилизацияга филтрат эса қайта тозалаш учун 1-позициядаги ўрталаштириш сифимига юборилади.

Тиндиргичнинг юқори қисмидан тиндирилган сув 7-позицияда жойлашган «СТЕ» маркали электролизер ускунасига юборилади, бу ерда электр токи таъсирида қолган юқори молекуляр бўёқлар ва органик моддалардан қўшимча равишда тозаланилади. Бундан ташқари, сув майда коллоид заррачалардан 8 позицияда жойлашган «ФЗГИ-2» маркали босимли филтёрларда тозаланади. 9 позицияда жойлашган «ФИП» маркали адсорберда паст молекуляр оғирликдаги органик бирикмалардан тозаланилади. Тозаланган сув 10 позицияда жойлашган тескари осмосли ажратиш мосламасига юборилади, бу ерда сувни қолдиқ тузсизлантириш, бўёқларнинг қолган қисми, сирт фаол моддалар, оғир металл тузларидан тозаланилади, шундан сўнг тозаланган сув ишлаб чиқаришга юборилади.

Тозаланган сув ишлаб чиқариш жараёнларида қайта ишлатишга имкон берадиган даражада амалга оширилади. Концентрат 11-позицияда жойлашган буғланиш мосламасига юборилади, шундан сўнг қуруқ қолдиқ утилизация ёки регенерация учун юборилади. Буғланиш жараёнида ҳосил бўлган конденсат 12-позицияда жойлашган «ОГ-24» русумли конденсат совутгичига юборилади, тозаланган сув билан аралаштирилади ва ишлаб чиқариш жараёнларида ишлатилади.

Мембранани қайта тиклаш учун кимёвий ювиш махсус эритма билан амалга оширилади. Вақти-вақти билан босимли филтёрларнинг гранулали юкланиши ювилади ва сорбент қайта тикланади.



13-расим. Терини қайта ишлаш корхоналарида ҳосил бўлган оқава сувларни тозалашнинг технологик схмаси

Ювиш суви ва қайта тикланадиган эритмалар 1-позициядаги дастлабки оқава сув билан аралаштирилади. Технология бошланғич оқава сувнинг таркибига қараб жараённинг алоҳида босқичларини истисно қилишни таъминлайди.

Терини қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўлган оқава сувларини тозалаш технологияси бўёқлар, сирт фаол моддалар, оғир металллар учун 98-99%, ККТ учун - 92% тозалаш даражасини таъминловчи ёпиқ айланма сув таъминоти тизимига эга экологик тоза ишлаб чиқаришни яратишга имкон беради. Тозаланган сувни қайта ишлатиш даражаси - камида 95% ташкил этади.

ХУЛОСАЛАР

1. Мазкур илмий тадқиқод ишида таркибида хром бўлган оқава сувларнинг атроф-муҳитга таъсири ўрганилди ва уларнинг сув ҳавзаларига юборилиши асосий манбалари аниқланди. Оқава сувларда хром (III) нинг мавжудлиги биологик тозалаш жараёнига салбий таъсир қилади ва хром (III) нинг сув ҳавзаларига юборилиши уларнинг гидробиологик режимини сезиларли даражада бузади, шунинг учун хром ўз ичига олган оқава сувларнинг ҳатто кичик ҳажмдаги оқава сувлари маиший канализация ва тўғридан-тўғри сув ҳавзаларига юборилиши қатъиян мумкин эмаслиги аниқланди.

2. Хром таркибли оқава сувларни тозалашнинг мавжуд усуллари уларни саноат корхонасида ҳосил бўладиган бошқа турдаги оқава сувлар билан биргаликда тозалашни, кейинчалик тозаланган сувни технологик жарёнда фойдаланиш ҳамда ҳосил бўлган лойни иккиламчи маҳсулот сифатида ишлатишни ўз ичига олади.

3. Мазкур илмий тадқиқод ишини олиб бориш давомида тўртта тадқиқот гуруҳи ўтказилди, уларнинг натижаларига кўра қуйидагилар аниқланди: хром (III) ва темир (III) гидроксидни биргаликда чўктириш учун оптимал рН қиймати, оҳак сутининг керакли концентрацияси. Шунингдек, ҳосил бўлган суспензиянинг табиати ва унинг гравитацион чўкиши, флокулянтлар ёрдамида чўкиш жараёнини тезлаштириш имконияти ҳақидаги маълумотлар олинган.

4. Ушбу тадқиқотда ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган хромли оқава сувларни зарарсизлантириш технологияси хром (III) ва темир (III) ионларин оҳак сути ёрдамида гидроксид ҳолатига рН ни 8-9 оралиғида олиб боришни ҳамда маҳаллий «Унифлок» флокулянтини қўшилиши билан чўкиш жараёнини тезлаштирилиши аниқланди.

5. Тақдим этилаётган технология терини қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўлган оқава сувни хром (III) дан биргаликда чўктириш усули ёрдамида тозалаш учун берилган оқава сувнинг бошланғич ҳажмининг 80% гача бўлган миқдорда қайта ишланган сувни олиш, кейинчалик корхона эҳтиёжлари учун қўшимча технологик мақсадларда фойдаланиш имконини беради. Ушбу технология, шунингдек, қайта ишланиши мумкин бўлган хром ўз ичига олган қолдиқларни ишлаб чиқаришни таъминлайди, тегишли қайта ишлашдан сўнг, ишлаб чиқариш жараёнларида ёки тижорат маҳсулоти сифатида қайта ишлатилиши мумкин.

6. Мазкур тозалаш технологияси иқтисодий ва экологик жиҳатдан самарали бўлиб, бунда К мезони 0,2 ташкил этади. Тозалаш иншоотлари иккиламчи маҳсулотларни алоҳида ишлаб чиқариш сифатида қаралади. Иқтисодий кўрсаткичлар бўйича тозалаш тизимларининг унумдорлигига қараб 4,01 дан 2,11 йил оралиғида бўлади.

7. Турли қувватдаги тозалаш иншоотлари учун капитал ва эксплуатация харажатлари аниқланди, бу ишлаб чиқилган технологияни чарм саноати корхоналарида жорий этиш имконияти ва зарурлигига ҳолис баҳо бериш имконини берди. Энг оптимал қувватлар 50 м³/соат дан 200 м³/соат оралиғида бўлиши аниқланди. Ушбу диапазондаги тузилмаларни қоплаш муддати 2,08 дан 2,35 йилгача. 5 м³/соатдан дан 50 м³/соатгача бўлган маҳсулдорлик 3,02 дан 4,01 йилгача ўзини оқлаш муддатига эга эканлиги аниқланди.

8. Терини қайта ишлаш «ULKAN LAZIZ» ОАЖ корхонасида 2025 йилнинг 24 март кунидан 28 март кунига қадар ҳамда «GLOBAL AVANGARD TECHNOLOGY» ОАЖ корхонасида ҳосил бўлган оқава сувларининг таркибидаги Cr⁺³ ионларидан тозалаш технологиясини такомиллаштириш бўйича 2025 йилнинг 03 апрель кунидан 18 апрель кунига қадар саноат тажриба синовлари олиб борилди. Бунда таклиф этилаётган такомиллаштирилган технологик жараённинг юқори самарадорлигига эришилиши исботланди ва тегишли маълумотномалар белгиланган тартибда рамийлаштирилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 30/2025.27.12.К/Т.01.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ХИМИЧЕСКОЙ
ТЕХНОЛОГИИ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

МУХАМЕДОВ ЖАМОЛИДДИН КАБИЛДЖАНОВИЧ

**ИЗУЧЕНИЕ ПРОЦЕССА ОЧИСТКИ ХРОМОСОДЕРЖАЩИХ
СТОЧНЫХ ВОД, ОБРАЗУЮЩИХСЯ НА КОЖЕВЕННЫХ
ПРЕДПРИЯТИЯХ, С ПОМОЩЬЮ МЕСТНЫХ ФЛОКУЛЯНТОВ.**

**11.00.05 - Охрана окружающей среды и рациональное использование природных
ресурсов.**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером в B2025.3.PhD/K1058.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-страница Научного совета по адресу: www.tktiti.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель: Турабджанов Садриддин Махаматдинович
доктор технических наук, профессор, академик

Официальные оппоненты: Кучаров Бахром Хайриевич
доктор технических наук, профессор

Кулматов Рашид Анорович
доктор химических наук, профессор


Ведущая организация: Наманганский государственный технический университет


Защита диссертации состоится «21» 05 2026 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc 30/2025.27.12.K/T.01.01 при Ташкентском научно-исследовательском институте химической технологии (адрес: 111116, Ташкентская область, Ташкентский район, ул. Шурабазар. Тел.: (99895) 144-67-83; E-mail: ooo_thiixt@mail.ru. TKTITI@exat.uz).


Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского научно-исследовательского института химической технологии за № 2026/24 с которой можно ознакомиться в ИРЦ. (111116, Ташкентская область, Ташкентский район, ул. Шурабазар, тел.: (99895) 144-67-83; E-mail: ooo_thiixt@mail.ru. TKTITI@exat.uz).

Автореферат диссертации разослан «04» 05 2026 года.
(протокол рассылки № 2026/24 от «04» 05 2026 года).




А.Т. Джалилов
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.х.н., профессор, академик


Ш.Д. Ширинов
Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, PhD, тех с.н.с.


Х.С. Бекназаров
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.т.н., проф

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В последние годы в мире защита здоровья всех слоев населения в области охраны окружающей среды приобретает все большее значение. С ростом спроса на развитие промышленности и техносферы, сточные воды, вредные газы и пыль, а также различные виды отходов, образующиеся на различных производственных предприятиях, вызывают загрязнение окружающей среды, превышение предельно допустимых концентраций канцерогенных ионов металлов и других видов химических соединений в атмосфере, гидросфере и литосфере. В связи с этим, поддержание чистоты окружающей среды на должном уровне, эффективное совершенствование процессов очистки промышленных сточных вод, образующихся на производственных предприятиях, и разработка замкнутых систем водоснабжения приобретают важное значение.

В мире ведутся научные исследования по разработке методов очистки сточных вод, содержащих ионы тяжелых металлов, до предельно допустимых концентраций. Особое внимание уделяется использованию механических, химических, физико-химических и биохимических методов, позволяющих очищать воду до уровня ниже установленных норм. Также активно разрабатываются и тестируются технологии для ускорения обезвреживания отходов, образующихся в процессе очистки.

В нашей республике достигаются определенные научные и практические результаты не только в повышении уровня очистки, но и в совершенствовании и упрощении технологических процессов, разработанных на основе экологически чистого и дешевого местного сырья. В Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы определены «Приоритетные направления развития экономики» и поставлены важные задачи по «дальнейшему ускорению производства готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов, созданию качественно новых продуктов и технологий»¹. В этом направлении важное значение приобретает разработка новых эффективных технологических процессов путем внедрения на производственных предприятиях новых высокоэффективных, малостадийных, непрерывных процессов очистки промышленных сточных вод с использованием местных реагентов, позволяющих снизить энергетические и капитальные затраты.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служат выполнению задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № ПФ-60 "О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы" и от 30 октября 2019 года № ПФ-5863 "Об утверждении Концепции охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года", в Постановлениях от 2 декабря 2022 года № ПК-436

¹.Указах Президента Республики Узбекистан № ПФ-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

до 2030 года", в Постановлениях от 2 декабря 2022 года № ПК-436 "О мерах по повышению эффективности реформ, направленных на переход Республики Узбекистан к "зеленой" экономике до 2030 года", от 25 октября 2018 года № ПК-3983 "О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан", от 17 января 2018 года № ПК-3479 "О мерах по стабильному обеспечению отраслей экономики страны востребованной продукцией и видами сырья", а также в других нормативно-правовых актах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с VII приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан «Охрана окружающей среды и рациональное использование природных ресурсов».

Степень изученности проблемы. В мире существует множество зарубежных ученых, которые занимались разработкой технологии для улучшения процессов очистки промышленных сточных вод с помощью водорастворимых полиэлектролитов-флокулянтов в том числе, М. Канско, Е.Цухида, П.А.Рабиндер, Ю.Г.Фролов, Е.Е.Ергожин, Ю.С.Липатов, А.И.Русанов А.А.Абрамзон, И.М.Паписов, А.Б.Зезин, Е.А.Бектуров, К.Б.Мусабеков, С.Б. Айдарова, В.Н.Измайлова, Л.В.Гандурина, В.А.Колесников, М.Хенце, Т.И.Холтурина, Б.П. Кондаурова, В.И.Аксенова. Проводились и проводятся активные исследования в научных школах других крупных ученых.

В Узбекистане по совершенствованию процессов очистки промышленных сточных вод под руководством академика К.С.Ахмедова создана научная школа, представителями которой являются: Е.А.Арипов, Ф.Л.Глекель, С.С.Хамроев, С.Н.Аминов, А.А.Агзамходжаев, С.М. Туробжонов, И.К.Сатаев, Х.И.Акбаров, У.К.Ахмедов, С.А.Абдурахимов, Х.А.Абдурахимов, М.М.Ниязова, Ш.А.Муталов, И.Д.Ишметов, Д.С.Салиханова, Ш.А.Кулдашева, А.А.Кадиров, К.М.Адилова, К.Г.Мухамедов и другие ученые проводят научные исследования по созданию эффективных и малоотходных технологии очистки промышленных сточных вод и обезвреживания отходов.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии тематического плана научно-исследовательских работ кафедры «Промышленная экология» Ташкентского химико-технологического института на 2020-2024 годы по теме «Очистка промышленных сточных вод физико-химическим методом».

Цель исследования заключается в совершенствовании процесса очистки хромсодержащих сточных вод, образующихся на кожевенных предприятиях, с использованием местных флокулянтов.

Задачи исследования:

изучение оптимальных условий очистки сточных вод, содержащих ионы хрома III, образующихся на кожевенных предприятиях;

изучение технологических процессов очистки сточных вод, содержащих ионы хрома III;

выявление замкнутых систем водоснабжения на кожевенных предприятиях;

нейтрализация сточных вод, содержащих ионы хрома III, в присутствии Fe_2SO_4 и расчет экспериментальных данных математическим методом;

усовершенствование технологии очистки сточных вод, содержащих ионы хрома III, с использованием местного полиэлектролита-флокулянта «Унифлок».

Объект исследования рассматриваются сточные воды, содержащие ионы хрома III, образующиеся на кожевенных предприятиях.

